

**АДАБИИ ЁДГОРЛИК** — бирор халкнинг муайян даврдаги хаёти, тили ва маданияти, урф-одатлари хақида маълумот берувчи оғзаки ва ёзма адабиёт намунаси. Адабий ёдгорликлар муайян адабиётнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Юсуф Хожибнинг «Кутадгу билиг», Махмуд Кошгарийнинг «Девону луготит турк», Ахмад Югнакийнинг «Хибатул хақойик» асарлари туркий халкларнинг муштарак адабий ёдгорлиги нафакат адабиётшуносликка доир, балки тилшунослик, тарих, этнографияга оид зарур маълумотлар жамланган манба саналади. Уларнинг бизгача кўлёзма нусхалари етиб келган. Адабий ёдгорликларнинг баъзилари тарихий манбалар таркибида учрайди. Хусусан, «Широк» ва «Тўмарис» эпосларининг мазмуни юнон тарихчилари Геродотнинг (эрамиздан аввалги 484-425 йиллар) «Тарих» ва Полиэннинг (эрамиздан аввалги II аср) «Харбий хийлалар» китоблари орқали етиб келган.